

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**Фарғона вилояти чет
тилларни ўқитишига
иҳтисослаштирилган давлат
умумтаълим мактаб-
интернати директори**

Э.А.Дададжанова



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

Танлов хужжати

Фарғона 2022 йил

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

- 1.1 Танлов предмети: “Фарғона вилоят чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати” бинолари жорий таъмири
- 1.2. Танловнинг юқори қиймати КҶС билан 79 350 000 сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар кабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди. Тўловлар икки босқичда амалага оширилади.
- 1.3. Махсулот бўйича Техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

- 1.4. Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

- 1.5 Ишларни бошлаш муддати-аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. **Фарғона вилоят чет тилларни ўқитишга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади. Фарғона ш. Оқ-Ариқ кўчаси 602-й Ул. адрес: akmal.mamasidikov87@mail.ru
- 2.2. Танлов “Буюртмачи томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.
- 2.3. Танлов Буюртмачи томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 5 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қўйидаги малакавий талаблар қўйилади:
- 3.3. Ишлар (хизматларни) бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислари мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқоралик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшашибъектлар лойиҳаларини тайёрлаган тажрибасининг мавжудлиги етарли касбий ва техниковий малакага, сувхўжалиги соҳасида кўп йиллар давомида ишлаб келаётган, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаралик-муомала хукукий лаёқат ва ваколатларига эга бўлиши шарт.

Кўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.2. танлов хужжатларида қўйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник кисм, “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар кисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошка боғлик кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини муҳрлаб тасдикланган холда тақдим этишлари лозим.

4.3. Танлов иштирокчиси:

- факат битта тақлиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- тақлифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз тақлифларини кайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун тақлифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун тааълуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5-календар кунга узайтириши мумкин.

5.2. Тақлифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.

- танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6.1. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1 Давлат харидлари тўғрисидаги қонун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари бўйича конунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1 Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хакли. Товарни (ишни, хизматни) узгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда тақлифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

8.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга хакли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига тақлифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

8.3 Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

8.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш туғрисида сўров юборишга хакли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишили тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

8.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Фарғона вилояти

150115 Farg'ona shahri, Al-Farg'oniy 36-uy tel 73)-244-68-81 244-68-82 mail: fergexp@rambler.ru
www.mc.uz

Holati: Ijobiy

Direktor: Xagay Aleksandr Andreyevich

Sana:08-06-2022 yil



Yig'ma ekspert xulosasi № 46030

Obyekt nomi «Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lism muktab -internati binosini joriy ta'mirlash. »

Buyurtmachi - Farg'ona viloyati chet tillarini o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lism muktab- internati.

Bosh loyihachi - "GRAFIKA-AL-LIDER" XK

Litsenziya 11.06.2021y/AL-001835-sonli

Moliyalashtirish manbai - Byudjet mablag'lari

Bosh pudratchi - Тендер савдолари асосида (агар қарор қабул қилувчи орган томонидан белгиланган бўлса)

Qurilish turi Joriy ta'mirlash

Murojaat raqami: № 42687

1. Loyihalash uchun asos

1.1. Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lism muktab -internatining 26.01.2022 yil 1-sonli Yig'ilish bayoni.

1.2. Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lism muktab-internati direktori E.Dadajanova tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.

1.3. Nuqson dalolatnomasi.

2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

2.1. Elektron yo'naliishda taqdim qilingan smeta xujjatlari.

3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

3.1. Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lism muktab-internati binosini joriy ta'mirlash. (Bajariladigan ishlar Loyixa topshirig'ida keltirilgan).

4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

4.1. Nuqson dalolatnomasiga ko'ra jixozlangan.

5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.

5.1. Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim mакtab-internati direktori E.Dadajanova tomonidan tasdiqlangan Loyiha topshirig'i.

6. Ekspertiza natijalari.

6.1. Smeta xujjatlari ekspertiza ko'rígiga buyurtmachining texnologik, ichki muxandislik, energiya tejamkorlik va boshqa yechimlari izoxlarsiz taqdim etilgan.

6.2. Ekspertiza jarayonida mahalliy (lokal) ekspert xulosalarining izoxlariga muvofiq smeta xujjatlariga kiritilgan kamchiliklar va tuzatishlar loyixachi tomonidan ko'rib chiqildi va tuzatildi. (Biriktirilgan lokal ekspertiza xulosalaridagi faylda batafsil ko'rsatib o'tilgan).

6.3. Buyurtmachi jami xarajati, materiallar qiymati, ish xaqqi 12114,89 sum/chelchas (ijtimoiy sug'urta siz) va pudratchining boshqa xarajatlari 19,39% buyurtmachi xatiga asosan qabul qilindi.

Buyurtmachi tomonidan quydagи obyekt jami bo'lib 114 703,978 ming so'm taqdim etilgan.

Tekshiruv natijasiga ko'ra quydagи ko'rsatgichlar tavsiya etiladi:

Qurilish qiymati QQS siz	- 81 187,524 ming so'm
QQS 15%	- 12 178,129 ming so'm
Qurilish qiymati QQS bilan	- 93 365,653 ming so'm
Buyurtmachining xarajatlari	- 2 239,571 ming so'm
Jami obyekt qiymati QQS va buyurtmachi xarajatlari bilan	- 95 605,224 ming so'm
Iqtisod qilingan mablag'	- 19 098,754 ming so'm

6.4. Kamayish qurilish mashinalarini va mexanizm va ba'zi materiallar qiymati sozlash xisobiga amalga oshirildi .

6.5. Jixozlar qiymati buyurtmachi kompetensiyasiga kiradi

6.6. Import qilingan uskunalar va materiallarning narxi ekspertiza tomonidan ko'rib chiqilmagan.

6.7. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2016 yil 22 yanvardagi 15-sonli qaroriga muvofiq 4- ilova, II bob 8-band va SHNK 1.03.06-13 da «Davlat ekspertizasiga taqdim etiladigan shaharsozlik hujjatlarining sifati uchun javobgarlik buyurtmachiga (dastlabki ma'lumotlarni loyihalashtirish jarayonida taqdim etilgan dastlabki ma'lumotlarning ishonchiligi bo'yicha) va ishlab chiquvchiga (qabul qilingan loyiha qarorlari bo'yicha) yuklatiladi.

7. Xulosalar.

7.1. Farg'ona viloyati chet tillarni o'qitishga ixtisoslashtirilgan davlat umumta'lim mакtab -internati binosini joriy ta'mirlash, smeta xujjatlari ekspertiza tekshiruv natijalarini hisobga olgan holda ko'rib chiqib, tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. Vazirlar Mahkamasining 11.06.2003 yildagi 261-sonli qarori va SHNK 4.01.16-09 ga muvofiq, tanlov savdolarini o'tkazish uchun ob'yeqtning qiymati buyurtmachi tomonidan belgilanadi.

7.3. Ko'rsatilgan narxni tanlov savdolari uchun qabul qilish to'g'risida buyurtmachi qaror qabul qiladi.

Bosh mutaxassis: TASHEMIROVA SHOXISTA MAXAMATJONOVNA